

21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни



ЖАМИЯТ

№ 41 (718)
2020 йил
16 октябрь,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета



2020

йил



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru



Иқтисод соҳасига тил қоиддлари керакми?

Эътирофга
муносиб
устозлар

“Мен таржимон
бўламан!”

“...Сўзингга
қараб
кузатарлар!”

Муддат
бузишда
“чемпион”
ташкилот

Давлат тилида иш юритиш –
давр талаби

Қиз бола
иккинчи даражали
фарзандми?



ҚИСКА
САТРЛАРДА
ҮКИНГ!

Ўзбекистон ўз тарихида илк бор БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши
аъзоси этиб сайланди.



**МАЪРИФАТПАРВАР АЛИХОНТЎРА СОҒУНИЙ ЎЗИНИНГ
“ТУРКИСТОН ҚАЙҒУСИ” КИТОБИДА ШУНДАЙ ЁЗГАН ЭДИ:
“ОДАМ ЎЗЛИГИНИ УНУТМАСЛИГИ УЧУН УЧ НАРСАНИ ҚЎЛ-
ДАН БОЙ БЕРМАСЛИГИ КЕРАК: ВАТАНИНИ, ДИНИНИ ВА
ТИЛИНИ. ВАТАНИМИЗНИ БОЙ БЕРДИК. ДИНИМИЗНИ ҲАМ
ЙЎҚОТДИК. ЭНДИ ТИЛИМИЗНИ ҲАМ УНУТСАК, БИЗ КИМ
БЎЛАМИЗ?” БУ СЎЗЛАР АЙНИ ҲАҚИҚАТЭДИ.**

“Зулм ўтса, факат сендан ўтди зулм...”

Собиқ Иттифоқ даврида муқаддас тилимиз қофзода бўлса-да, амалда йўқ эди. Биз кўп йиллар буюк аждодларимиз мuloқot қилган, оламшумул тарихий асарлар яратган тилимиздан мосуво яшадик. Дилемиздагини тилимизда айта олмадик. Мазлумлар тилида гапиришга, қўшиқ қўйлашга, ҳатто, “менинг икки онам бор...” деб ҳайқиришга мажбур бўлдик. Шоир Муҳаммад Юсуф ёзганидек:

**Кимдир майда миллат бўлди,
кимдир катта,
Катта миллат Афандиси
йўқдир ҳамто,
Биз пиёда, биз боққанлар
юрди отда,
Зулм ўтса, фактат сендан
ўтди зулм,
Она тилим, кечир мени,
она тилим.**

1989 йил 21 октябрь. Бу қутлуг сана Ўзбекистон тарихига, ўзбек миллати йилномасига зарҳал ҳарфлар билан битилди. “Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилинди. Мустабид тузум даврида бундай қонуннинг қабул қилиниши чиндан ҳам жасорат эди, ўзига хос маънавий инқилоб эди. Аждодларимиз асрлар бўйи орзу қилган, аммо орзулари сарбога айланаб қолган давларда момақалдириоқдек гулдираб, чақмоқ чақиб, юзага келди бу қонун. У Мустақиллигимиз сари қўйилган энг дадил қадам бўлгани билан ҳам катта аҳамиятта эга.

Лекин ушбу ҳужжат қабул қилинганига 30 йил бўлса ҳам, ҳамон кўп жойларда русча ёзувлар хукмрон. Айниқса, Соғлиқни сақлаш, Темир йўл, “Ўзбекистон ҳаво йўллари”, ҳарбий хизмат, ҳуқуқ-тартибот тизимидағи кўпгина иш жарайнлари рус тилида олиб борилмоқда. Гоҳида юқори бошқарув органлари, вазирликлардан келаётган хатлар ҳам рус тилида битилмоқда. Биз ўзга тил исканжасидан қутула олмаяпмиз, бу жараён жуда қийин кечмоқда.

Биз бошқа тилларни ҳеч камситмаган ҳолда, она тилимизни эъзозлашимиз, мукаммал билишимиз керак. Ҳеч бир тил бизнинг мамлакатда давлат тили ўрнига ишлатиласлиги, хукмрон бўлмаслиги шарт.



рамизга қўшилди ва ўзини соф ўзбек тилида Эргашой, деб таништириди. Эргашой Москвада ўқигани ва шу ерлик курсдоши бўлган араб йигитига турмушга чиққанини сўзлаб берди. Турмуш ўртоғи профессор бўлиб, шаҳардаги университетда ёшларга таълим бераркан. Уларнинг иккита қизи ҳам ўзбек тилини жуда яхши биларкан.

– Мен она юртимдан келган сайёҳларни кўрсам, ҳеч ҳам олдиларидан кетолмайман, – дед сўзлай бошлади Эргашой опа. – Тилимизни, қўшиқларимизни жуда соғинганман. Ҳар куни уйимда севимли ҳофиз Шерали Жўра-

евнинг қўшиқларини эшишиб завқланман. Сизлар билан учрашиб, ўзимни Ўзбекистонда, она юртим Марғилонда юргандек ҳис қилдим. Тилимиз қандай бебаҳо, Ўзбекистонда яшаб, унинг қадрига унчалик етолмайсиз. Хорижда яшасангиз она тилингизнинг қадрини жуда яхши биласиз, уни соғиниб, янада ардоқлагингиз келади.

Бу сўзларга изоҳ шарт эмас. Нафақат миллатимиз вакиллари, балки ўзбек тилини ўрганиб, тарғиб қилаётган юзлаб хорижликларни кўриб, ўзимизда масъулият ҳиссини сезамиз.

Америкада яшаётган ватандошимиз Беҳзод Мамадиев шундай ёзади: “Америка маданиятини севадиган, ўзим ҳам ўзлаштиришга ҳаракат қиладиган ижобий жиҳатлар жуда кўп. Уларга ҳурматим чексиз. Лекин мен ўзбекман, мусулмонман. Ўзимга хос бўлган маданиятим бор, дунёга қарашим бор. Бу масалаларда мен америкаликлардан фарқлиман. Фарзандларим ҳам мен қадрлаган нарсаларни қадрлашини хоҳдайман. Фарзандларимизни кичиклигидан ўз она тилини қадрлашга, уни мукаммал билишга ўргатишими керак. Улар ўз тили ва буюк авлодларининг ворислари эканлиги билан фахрлансанлар”.

Бундан олти йил муқаддам, 2013 йил 21 октябрда АҚШда нашр қилинаётган илк ўзбек тилидаги “Ватандош” газетасида Эркин Воҳидов Давлат тили қабул қилинган кун муносабати билан чоп этилган “Тирик хазина ёхуд жаҳонгашта сўз” мақоласида қуидагиларни таъкидлаган эди: “Мен ҳам она тилимизнинг Ҳазрат Навоий замонидаги кўрки, бўй-бастига қараб, ҳавас қиламан. Қани эди, буюк шоирнинг сўз бойлиги шу кунда ҳам тўлиғича тасарруфимизда истеъфода бўлса, дед орзулар қиласман.

...Ҳеч бир инсон “мен тилшунос ёки ёзувчи эмасман”, деб ўзни четга олмаслиги керак. Ганж соҳиблари ҳам, посbonлари ҳам – барчамиз. Она тилимиз меҳри ва фурури кўнгилларга илҳом, тоғларни талқон қилгудек куч-куват багишилласа ажаб эмас”.

Устоз шоиримиз орзу қилган кунларга етиб келаётгандаймиз. Зоро, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилинганинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорида алоҳида таъкидланганидек: “Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири

бўлган ўзбек тили ҳалқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тараққиётида фоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятдир”.

**Лутфия ШАПААТОВА,
Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиши соҳасидаги
ходимларни қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш маркази
давлат тили бўйича маслаҳатчиси**

Давлат тилида иш юритиш – давр талаби



Мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш, она тилимизнинг қадр-қимматини жойига қўйиш борасида тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Юртбошимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75 сессиясида ўзбек тилида сўзлаган нутқи бу борадаги саъй-ҳаракатларга кенг йўл очиб, ўзбек тилининг нафақат республикамиздаги, балки жаҳондаги нуфузини ҳам янада мустаҳкамлади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида Ўзбек тили байрами кунига бағишлиланган “Она тилим – жону дилим” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда таникли шоирлар, тилшунос олимлар академиянинг профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди. Учрашувда таникли шоирлар она тилимизнинг ўзига хослиги, буғунги кунда давлат тилининг нуфузи ва мақомини ошириш борасидаги ислоҳотларга тўхтатлиб, Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўз она тилини севиши, унинг қадр-қимматини жойига қўйишида фаол иштирок этиши зарурлигини таъкидлади.

Фавқулодда вазиятлар вазири маслаҳатчиси Баҳодир Валиев ўз сўзида ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ва унинг жойлардаги вакиллари, яъни вазирлик, идораларда фаолият юритаётган давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчilar томонидан идораларда давлат тилида иш юритишни ташкил қилиш ишларининг изчил давом эттирилаётганини айтиб ўтди. Шу билан бирга Департамент ва ҳамкор муассаса, ташкилотлар томонидан нашрдан чиқарилган “Давлат тилида иш юритиш” китобини барчага тавсия қилди.

Тадбир сўнгидага курсантлар ҳам сўз олиб, эл ардоғидаги шоирларнинг ижод намуналаридан ёд айтдилар, ўзларини қизиқтирган саволларига атрофлича жавоблар олдилар.

**Фарҳоджон ХОЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
Академияси ўқитувчisi, капитан**



2020-2025 йилларда ҳалқ таълими тизимида инклузив таълимни ривожлантириш концепцияси амалга оширилади.



Киз бола иккинчи даражали фарзандми?

Киз бола биронинг хасми, у ота уйига меҳмон. Ўқимаса ҳам бўлаверади, ўқиб дунёни олиб берармиди, “Сув келса симири, тош келса кемир”, чида, эр шунақа бўлади, хотин деган сал нарсага аразламайди, эрнинг калтаги – неъмат, куёвни пайғамбарлар сийлаган, нима деса “хўп бўлади”, де, сабр қил, қуюлиб қолади, болали бўлса, эси киради, “Эрингга, қайнаннинг, қайнотангага гап қайтарма”, “қайнэгачи, қайнисингил, уруғ-аймоғларининг кўнглини ол”, хизматдан қочма, саҳарлаб туриб супур-сидир...
Мана бизда қиз болага, келинларга бериладиган тарбия, ўғит.

Фарзанд – у хоҳ қиз ёки ўғил бўлсин, аввало, ўз ота-онасидан ибрат олади. Фарзанднинг гўдаклигидан сиз нима десангиз, шуни қайтаради, қандай ҳаракат қўлсангиз, ўшани тақорлайди. Сизга ўхшагиси келади. Бу ҳаракати билан сизга ойна тутади. Юқоридаги гапларни ўқидингиз-а? Бу жумлалар Америкадек “сеҳрли диёр”да, Европанинг аслзодалари, Германиянинг оқбилаклари, Африканинг қоравойлари, Хитой-Японларнинг кўзи қисиқ “одамча”лари

томонидан айтилмаган. Айнан ўзбекчилик, ўзбекона лутф билан айтилган, қулоққа қуилган. Уят, номус қилиш ортидан эса бугун жамиятимизда ўзлиги топталганлар қанча дейсиз? Бу гап билан маънавиятимизни, қадриятимизни, минг йиллик анъаналаримизни топтаяпсан, деб даъво қиладиганлар бор орамизда. Ана шундайларга инсон қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқи, шаънининг заррача аҳамияти йўқ. Аёл кишига буюмдек қараш, қулга қилинадиган муомала, уриш, тепки-

Киз-ўғилни ўш уйли-жойли қилиш, турмушнинг муштларига тайёр бўлмай, болалик бўлиш, моддий етишмовчиликлар, қайнона-келин ва учинчи томон “ғиди-биди”лари ўргимчак ўзига тўр ясаганидек гап.



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-куватлаши жамоат фондининг “Жамият – ислоҳотлар ташаббускори” Давлат ижтимоий буюртмаси асосида тайёрланди.



лаш, ўзига қарам қилиб қўйиш, жоҳилликдан, пастанкашликдан. Ўқиб ўқимаганликдан, бундайларни саводи йўқ, десанг мажбурий таълим бор, давлат “текинга” ўқитган. Эскича қараш десанг, ҳозирги замон бундай қарашларга ёт. “Тўқлика – шўхлик” ҳам эви биланда, кучим бор экан деб эрни ўзидан устун қўядиган аёлга зуғум қилиш, зўрлик қилиш қайси эркакнинг “бурчи” экан!?

Аёлни ожиза деймиз, аслида ҳам шундайми? Ур-сур калтакларга чидаган, келинлик уйининг серташвиш ҳаётига кўнинкан, болам нон тишласин, дея боқиманда эрининг ўрнига ҳам ўзи ишлаган матонатли аёл ожизами? Ўқиши орзу қилса ҳам отасининг бир ўқрайишига жим бўлган, истакларидан воз кечган қизлар ожизами? Аввалига, отасининг, кейин эрининг раъиига қараб яшаш бу ўзлигинг йўқ дегани.

Бу билан уларга қарши бориш керак демоқчи эмасман, қарс икки қўлдан чиқади. Икки томон бир-бирини тўғри тушуниши лозим. Қаршимизда турган одамни эркак-аёлга ажратиб қараш эмас, бир шахс сифатида қараш керак. Қиз ҳам, ўғил ҳам бир “индивит”, ўсиб улғайгани сари инсонийлик сифатларини ўзлаштиради. Жамиятнинг бир бўлағи, оиланинг бир аъзоси, мустақил фикр эгаси ҳисобланади.

Болалиқдан фарзандни мустақил қўйиш керак, унинг учун

ҳамма нарсани танлаб бериш керак эмас, ўзининг танловини ҳам ҳурмат қилиш керак. Эркинлик бериб ёмон йўлга кириб кетган ўигит-қизларни биламиз дерсиз, бу ҳам тўгри. Шунинг учун ҳамма нарсада меъёр бўлиши шарт.

Киз-ўғилни ўш уйли-жойли қилиш, турмушнинг муштларига тайёр бўлмай, болалик бўлиш, моддий етишмовчиликлар, қайнона-келин ва учинчи томон “ғиди-биди”лари ўргимчак ўзига тўр ясаганидек гап. Шамолни қўятуринг, “пуғ” деганингизни ўзида бузилиб кетади. Нуқсони бор хонадонда, кунда жанжал бўладиган оиласда фарзандлар ҳам қўрқоқ бўлиб катта бўлади. Энг ачинарлиси на болалигини яшай олади, на тузукроқ ўқийди, на эртага тўғри ўйлини топиб кета олади. Вақти келиб янги ҳаёт бошлаганда юқоридаги занжир давом этаверади.

Замонамизда “дунёқараш”, “сўз эркинлиги”, “эркин фикрлаш”, “плюрализм”, “модернизм” тушунчалари қулоққа чалиниб туради. Нега ҳозир катталар ёшлигарга “нигилистсан”, “абсурдсан” дейди, чунки уларнинг атрофидаги “реаллик” соҳакорликни ташки қиляпти. Рақамлаштириш технологияси яратилиб ҳамма нарса тезлашиб кетган замонда ёлғон, алдов, фирибгарлик каби атамалар биринчи “ўрин”га чиқсан. Манфаатлар тўқнашуви бирдамлик, дўстлик, ҳалолликка эмас худбинлик принципига асосланяпти. Бу омиллар натижасида шахс руҳиятида салбийлик, кескин ҳаракатлар, инсонийликка тўғри келмайдиган ҳолатлар юзага чиқади. Масалан, эрнинг аёлига фарзандининг нажасини едиритириб ҳузур топиши... Аслида, дунёқарashi тор, ўз фикрига эга бўлмаган, битта жумлани уdda lab гапиролмайдиган, биронинг таъсирига берилувчандан чиқади бундай гайриинсоний хатти-ҳаракатлар. Аёлга зуғум қилган у – мажруҳ. Соғлом одам бундай ишлар қилмайди. Зурриёдига она бўлган аёл ҳеч қандай хўрланишга муносаб эмас. Сиз жамиятимизда

аёл номига доғ тушираётганлар, она бўлишга нолойиқлар бор дейсиз. Тан олиш керак бундай ҳолатлар мавжуд, лекин бу дегани хотини ёки ёна бўлсин таҳқирлаш керак дегани эмас. Шахсий мулки эмас расмий ва шаърий никоҳи бўлса ҳам. Қиз бола турмушга чиқдими ота-она елкасидан тоғ ағдарилгандек ҳис қилади, уйи нотинч бўлса бир қалқиб олади “кеп қоса қайга сидираман” дей. “Ўша уйдан ўлигинг чиқсин, бу уйга қайтма” дейдиган оталар қизингиз сизга ким ўзи?!?

Қиз болани ўқитиш жамиятни саводли қилиш демак. Тарбия билан асосан оналар шуғулланади. Оналиккача қўли китоб кўрса, “Олий таълимни” олса, келажакда юқоридаги каби оталар, эрлар ҳақиқий эркак бўлиб тарбияланарниди. ОАВда соатлаб “гендер” тенглиги ҳақида сўз юритамиз, миллионлаб пул сарфлаб “роликлар” ишланиди, амалда эса юқоридаги каби ҳолатлар юз берса маҳалла ва масъул ташкилотлар эри билан яшашни истамаган аёлларни боласини рўкач қилиб яратириб кетишиди (самарқандлик келин Мустаҳкамнинг 9 йиллик тақдири каби). Қиз болани ҳар томонлама чўқтирасиз, босим қиласиз, ўз-ўзига бўлган ишончини юлиб оласиз, оғиз жуфтласа “үят бўлади” дейсиз. Келинлик уйидага ҳамманинг кўзига текинтомоқ бўлиб кўринади, худди “Эшакни иши ҳалол-у, ўзи ҳаром”дек.

Баъзи эркаклар бор ҳар хил сериал-киноларни кўради-да, ундаги қаҳрамонлар ўрнига аёл-қизларини қўйишади, кейин ўзларича “тарбия” беришади. Ёки ёрдам истаб ташкилотларга мурожаат қилган аёлларни “нега уйдаги гапни кўчага олиб чиқдинг?” дей танбех беришган бўлади, гёёки олиб чиқмаса муаммо ҳал бўладигандек. Орамизда олиб чиқмайдиганлар ҳам бор, оқибати эса эр хотин-боловларини ёқсан ёки ўлдирган билан тугаяпти.

Аянчли қисмат соя солиб кўймасдан, вақтида этакни ёпган яхши. Хулоса ўзингиздан, дўлтни бошдан олиб ақл “компас”ингизни тўғри қутбга созлаш вақти аллақачонлар келди.

**Нодира СУЛАЙМОНОВА,
ЎзЖОҚУ талабаси.**



Иқтисод соҳасига тил қоидалари керакми?

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва “Таълим тұғрисида”ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда Тошкент Молия институтида 1997-1998 ўқув йилидан бакалаврларга “Мутахассислик тили” танлов фани киритилган. Мақсад қилиб, талабаларда имло қоидалари, иқтисодий атамашунослик, нутқ маданияти ва ҳужжатчилик бўйича малака асосларини шакллантириш белгиланган эди.

Давр талаби ва тажрибадан келиб чиқиб, бу фанни 2005 йилда “Иқтисодиёт атамалари ва иш юритиши”, 2013 йилда “Иқтисодиётда техник ёзув”, 2017 йилдан бошлаб “Бизнес мулоқот ва академик ёзув”, 2020-2021 ўқув йилидан Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг бўйругига кўра “Ўзбек тилининг соҳада кўлланиши” номи билан асосий фан сифатида биринчи курсларда ўқитмоқда. Бу фан олий ўқув юртларда 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб илк марта ўқитилаётгани учун фаннинг мақсади ва вазифасига, соҳага оид терминология масалаларига оид фикрларимизни баён этмоқчимиз.

Маълумки, бўлажак мутахассис иқтисодиёт тили ва услуби, иқтисодий терминология ва атамашунослик, нутқ маданияти, иш юритиши ва ҳужжатчилик тўғрисида мукаммал билимга эга бўлмасдан туриб, ўз фикрини иқтисод соҳасига кўйиладиган талаблар асосида аниқ ва тўғри ифода эта олмайди. Бўлажак иқтисодчилар иқтисод тилининг ўзига хос хусусиятларидан пухта хабардор бўлмоғи, ўз ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон иқтисодини юксалтиришга, унинг жаҳонда муносаб ўрин әгаллашибига ҳисса қўшиши, чет мамлакатларда ва юртимизда давлатимизнинг иқтисодий манбаатини ҳимоя қилиши зарур. Фаннинг ўқитилиши муайян амалий йўналишга эга бўлиб, бакалаврда иқтисодиёт тили бўйича назарий билим ва амалий кўнімаларни, соҳага оид сўз, терминларни тўғри кўллаш, матнлар ва ҳужжатларни хатосиз ёзиш ҳамда тўғри тўлдириш малақасини ҳосил қилиши на зарда тутади.

Ўзбек тилининг соҳада кўлланиши” фанини ўқитиша асосий эътибор қаратиладиган жиҳатлар бор. Ўзбек тилининг кирил ва лотин ёзуви алифбосидаги ҳарфларнинг, товушларнинг талаффузи, ёзилиши ва фарқлари, имло қоидалари

ларнинг бадиий, илмий-бадиий асарлари, турли илмий асарлар, вақф ҳужжатлари ва бошқалар ўзбек иқтисодий терминларнинг ривожланишида ўзига хос ўрин тутган манбалар деб ҳисобланиши мумкин.

Ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий илмий ёки бадиий асарларида кўплаб асли ўзбекча (кўпи умумтуркӣ), арабча, форсча иқтисодий терминлар синоним сифатида ишлатилган: *савдопеша-савдогар-савдогарчилик; сармоя-давлат-маблаг; байъона-баҳо – қиймат-байпули; манфаат-фойда-даромад; божҳироҳ; дастмоянупул-нақдина; нарх-баҳо; нафақа-маош-харажат* ва бошқалар.

Мустақилликдан сўнг ўзбек иқтисодий терминологияси русча байналмилал иқтисодий терминлар ўзбек тилида айнан таржимасиз кўлланилмоқда (*валюта, доллар, кредит, банкнот, аккредитив, лизинг, форфетинг, либор*), русча байналмилал иқтисодий терминларнинг бাবзилари таржима қилинди ёки унинг ўзбек тилидаги мукобиллари кўлланила бошланди (*дефицит-тақчили, лицензия-рухсатнома, капитал-маблаг, реформа-ислоҳот*).

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Тоҳир Маликовнинг фикрича, “солиқ یигилувчанлиги” деб эмас, балки “солиқлар ундирилувчанлиги” иборасини ишлатиш керак; Шунингдек, “умумий солиқ юки”, “ҳақиқий солиқ юки”, “реал солиқ юки”, “соф солиқ юки”, “жамланган солиқ юки”, “эгри (бильвосита) солиқлар бўйича солиқ юки”, “тўғри (бевосита) солиқлар бўйича солиқ юки”, “алоҳида олинган солиқ бўйича солиқ юки” ва ҳ.к. шунга ўхшаш тарздаги сўз бирикмаларини ишлатишда ёам эҳтиёт бўлмоқ лозим. Чунки уларда ишлатилётган ҳар бир сўзининг ўзига хос нозик, қалтис жойлари мавжуд.

Юқоридагилардан келиб чиқиб олий ўқув юртларидан ўқитилаётган “Ўзбек тилининг соҳада кўлланиши” фанидаги сўз ва терминга оид мавзуларни тайёрлашга масъулият билан ёндашиб ҳамда соҳа бўйича йирик мутахассис олимларнинг фикрлари, тадқиқотларидан ҳам фойдаланиш зарур деб ҳисоблайман.

**Нишонбой ҲУСАНОВ,
Тошкент молия институти
Ўзбек ва хорижий тиллар
кафедраси мудири, филология
фанлари доктори**

Тил ҳалқни бирлаштиради, тарбиялади, ўқитади, урф-одат, анъаналарини сақлайди. Шундай экан, она тилимизнинг ҳалқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда ҳар биримизнинг ўрнимиз бор.

«...Сўзингга қараб кузатарлар!»



да бўлмаган тил ўлимга маҳкум.

Нотиқлик санъати, воизлик маданиятидан дарс бериш жараёнида тингловчиларимга баъзан мурожаат қилиб “Сизлар тилларда сўзлайсиз, аммо тилда фикрлайсиз”, десам, “бу нима деганинг” деб сўрашади. Кейин тушунтирган бўламан. Масалан, мен форс, рус, немис тилида гапирсан ҳам, ўзбек тилида фикрлайман. Ўзбекча курилишини ясаб олиб, ўша тилларга таржима қилиб, кейин гапираман.

Муаммонинг сабаби аён. Биз ўзбек тилида фикр ифодалаш ва уни етказиш билан боғлиқ масалаларда оқсаяпмиз. Юқорида таъкидлаганимиздек, тилни ўзлаштиришда амалий машғулотдан кўра, назарий маълумотни зўрма-зўраки сингдириш йўлидан бориб ўкувчини безирдик. Ўкувчи бугун фандан безса, эртага ватандан безади, индинга ватангдо бўлади. Ўз тилимизнинг барча жараёнларда фаол кўлланилишига эришмагунимизча ўч қандай сифат ва самара бўлмайди.

Дарҳақиқат, инсоннинг ўзлиги учун кўзгу унинг сўзлигидир. Кимнинг кимлигини билдируви ойнаи жаҳони ҳам унинг тили. Инсоннинг икки оғиз сўзиданоқ унинг онги, савияси, билими, қизиқиш олами, табиати ва тийнатини англаб олиш қийин эмас. Халқимизнинг “Ўзинга қараб кутарлар, сўзингга қараб кузатарлар”, деган мақолида ҳам ана шу ҳақиқат яширин.

Ўттиз йил елдек тез ўтиб кетди. Ҳар йил тил байрами тадбирларини ўтказамиз, ОАВ орқали ёритамиз ҳам. Амалда қандай? Ҳар биримиз ўз ўзимизга савол берайлик. Минбар, микрофон ва видеокамера орқали жамоага юзланиб бемалол, эмин-эркин мулоҳаза билдиришга, сўз айтишига қодирмизми? Оғзаки ва ёзма нутқ маданияти қоидаларига риоя этиб, фикрни эмин-эркин баён эта оламизми? Афсуски, ижобий жавоб йўк.

Тадбир давомида компания ходимлари жонли мулоқотга киришиб кетишиди. Айниқса, шеваларга хос сўзлар борасида қизғин баҳс-мунозара бўлди. Натижада тилимизга оид бир қанча маълумотга ва ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишиди.

**Нурилдин УБАЙДУЛЛАЕВ,
“Жамият” мухбири**



Ёшлар ва хотин-қизларга микрокредитлар таъминотсиз ажратилади.



Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг расмий саҳифасига қўйилган “Ҳисоблагичлар машмашаси: аҳоли нега сарсон?” мақоласига кўзим тушди. Айни мудда! Батафсил мутолаа қилгач, ушбу фактларни сизлар билан ўртоқлашгим келди. Мулоҳаза ва хулоса чиқариш ўзингиздан.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига мувофиқ, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатишда қонун ҳужжатлари ҳамда маъмурий регламент таълабларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

Жумладан, Давлат хизматлари агентлиги Фарғона вилоят бошқармаси томонидан аҳолига электр энергияси, табиий газ, ичимлик сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) ечиш ва ўрнатиш, қиёслашдан ўтказиш соҳасини тартибга солган маъмурий регламент таълабларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича аҳволи таҳлил қилинганда, вилоятнинг сув таъминоти корхоналари **1399** ҳолатда, электр тармоқлари корхоналари **1081** ҳолатда, бирор булар орасида энг “етакчи”си худудий газ таъминоти ташкилотлари (ҲГТТ) **4945** ҳолатда муддат бузилишига йўл қўйганлиги аниқланди.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Юридик ва жисмоний шахсларнинг табиий газни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг табиий газни ҳисобга олиш тизимини пломбалаш ва электр таъминоти шартномасини тузиш ҳақидаги мурожаатлари ҲГТТ-га келиб тушганидан сўнг жами икки иш кунда амалга оширилиши керак. Бу шарт!

Хусусан, ҲГТТ томонидан табиий газни ҳисобга олиш тизимини пломбалаш ва газ таъминоти шартномасини тузиш масаласидаги мурожаатларни кўриб чиқишида, жумладан, Данғара туманида 291, Тошлоқ туманида 113, Фарғона туманида 59, Марғилон шахрида 30, Кўконт шахрида 33, Фурқат

Муддат бузишда “Чемпион” ташкилот

туманида 12, Бағод туманида 8, Олтиариқ туманида 11, Фарғона шахрида 3, Ўзбекистон туманида 10, Ёзёвон туманида 10, Бувайда туманида 3 та — 584 нафар фуқаронинг мурожаатларини кўриб чиқишида муддат бузилган.

Шунингдек, табиий газни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш ва ўрнатиш масаласидаги мурожаатларни кўриб чиқишида Марғилон шахрида 86, Данғара туманида 84, Учкўприк туманида 70, Кўконт шахрида 55, Фурқат туманида 45, Кўштепа туманида 39, Сўх туманида 24, Бағод туманида 19, Тошлоқ туманида 12, Фарғона туманида 10, Олтиариқ туманида 9, Фарғона шахрида 7, Ўзбекистон туманида 5, Ёзёвон туманида 4, Куба туманида 3, Бувайда туманида 2, Риштон туманида 2 та — 476 нафар фуқаронинг мурожаатларини кўриб чиқишида муддат бузилган.

Бундан ташқари, ҲЭТКлар томонидан истеъмолчиларни 1,2 МПа босимдан юқори

Бизнингча, юқорида келтирилган қонунбузилиш ҳолатларига чек қўйилиши учун сув ва газ таъминоти ҳамда электр тармоқлари ташкилотлари раҳбарлари иштирокида ушбу муаммолар мұхқомама қилиниши, келгусида бу каби қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилмаслик юзасидан аниқ чора-тадбирларни белгилаб олишлари зарур.

бўлган газ тармоқларига уланишига техник шартларни олиш масаласидаги мурожаатларини кўриб чиқишида, 16 та ҳолатда “fxa.gov.uz” тизимида ижобий ҳал этилди деб жавоб хати йўлланган, тизимга юкланган жавоб хатида эса “табиий газ тармоғига улаш нуқтаси ўрганилмоқда” деган важ билан маъмурий регламентда кўрсатилмаган асоссиз жавоб берилган, кейинчалик эса техник шартлар тўғридан-тўғри берилганлиги аниқланди.

Маълум бўлишича, Данғара туманида 4, Бувайда туманида 3, Фарғона шахрида 3, Тошлоқ туманида 1, Бағод туманида 1, Олтиариқ туманида 1, Куба туманида 1 та, жами 14 та ҳолатда маъмурий регламентда кўрсатилмаган асос билан жавоб берилган.

Президентимизнинг “Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини жадал ривожлантириши бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 13 бандига асосан Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси билан биргаликда ҳар чорак якунига кўра, Ўзбекистон Республикаси

Президенти Администрациясида давлат хизматларини йўлга қўйиш ва уларни электрон шакла үтказишида масъулиятсизликка йўл қўяётган аниқ шахсларни кўрсатган ҳолда мазкур қарорнинг амалга оширилиши бўйича маълумот киритиш вазифаси юклитилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ти қарорининг 3 бандига асосан, Агентлик давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонунбузилишлар, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиши соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганилик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан маъ-

мурий жазо чорасини қўллаш ҳуқуқига эга. Шунга кўра, барча қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан қонуний баҳо берилди.

Бизнингча, юқорида келтирилган қонунбузилиш ҳолатларига чек қўйилиши учун сув ва газ таъминоти ҳамда электр тармоқлари ташкилотлари раҳбарлари иштирокида ушбу муаммолар мұхқомама қилиниши, келгусида бу каби қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилмаслик юзасидан аниқ чора-тадбирларни белгилаб олишлари зарур.

Бугун замон шиддат билан ривожланиб бормоқда. Қайси ташкилот бўлишидан қатъий назар, тинимсиз янгиланишлар бўлаётган бир пайдада барча идоралар вакиллари ана шу ўзгаришларга мослаша олиши жуда муҳим. Акс ҳолда, фуқароларнинг сарсонгарчиликлари давом этаверади.

**Фарҳод НУГМАНОВ,
ДХА Фарғона вилоят
бошқармаси
бўлим бошлиғи**

Эълон

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»

**масъулияти чекланган жамияти
2020 йил 17 ноябрь куни очиқ аукцион
савдоларини ўтказади**


Савдоларга Тошкент шаҳар, Қаратош кўчаси, 5 уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат фельдъегерлик хизматининг 2013 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 01/339 YCA бошлангич нархи 17103777 сўм бўлган ҳамда д/р 01/341 YCA бошлангич нархи 17331828 сўм бўлган «Дамас» русумли икита автотранспорт воситаси қўйилади. Талабгорлар белгиланган муддатларда аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма иккита нусхада, закалат тўлов ҳужжати нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтганларни ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт тақдим этадилар. Аукционда қатнашиш тартиби ва талаблари тўғрисида қўшимча маълумотлар кўрсатилган манзилдан олиниши мумкин.

Буюртмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри Миробод тумани Шаҳрисабз кўчаси 16 а.у.

Алоқа телефони (+998 95) 143-69-97 электрон почта tkos-mail@inbox.ru

Гувоҳнома № 005414-05

Умумтаълим фанлари бўйича сертификатлаш жорий этилади.





Муносиб турмуш фаронлигига эришишни мақсад қилған ҳар бир давлат, энг аввало, таълим тизимини ислоҳ қилиш, илм-фан соҳасини ривожлантириш, келажак ёш авлоднинг янгиликка интилиши, ташаббускорлигини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратади. Бу шубҳасиз.

Чунки мамлакатнинг келажаги, унинг иқтисодий құдрати, ижтимоий-маънавий ҳаёт даражасининг юксалишини сифатли таълимсиз, малакали кадрларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўтган қисқа даврда соҳада олиб борилган ислоҳотлар натижасида мактабгача таълим тизимида бошқарувнинг янгича услуги амалиётга татбиқ этилди, мактаб таълимимда 11 йиллик тизимга ўтилди, педагоглар, устоз ва мураббийларнинг обрў-эътибори, нуфузи ошиб, жамиятда ўқитувчилик касбининг мақоми янада юксалди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш катта ижтимоий ҳодиса — давлат сиёсатининг энг асосий ва муҳим йўналишига айланди.

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйган ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасини

Тараққиёт калити

2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳаларда кенг қўлламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ана шу ислоҳотларнинг муваффақияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши аввало, илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожи билан, бу борада бизнинг дунё миқёсида рақобатдош бўла олишимиз билан узвий боғлиқ.

Давлатимиз раҳбарининг “1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни” муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги нутқини тинглаган мамлакатимиздаги ҳар бир педагог, устоз ва мураббий, қўйингки, ўзини шу юрт эртаси, унинг келажаги ва тараққиётига даҳлдор деб билган барча ватандошимиз янада теранроқ англади, десак муబолага бўлмайди.

Таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг муваффақияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, аввало, илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожи, бу борада бизнинг дунё миқёсида рақобатбардош бўла олишимиз билан узвий боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари нутқида бугунги кундаги таълим тизимининг камчиликларига тўхталиб ўтиб, аксарият олий ўқув юрти битирувчиларининг билим ва малакаси меҳнат бозори талабларига жавоб бермаётгани, маҳаллий таълим муассасаларида инновацион фаолият ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш даражаси жуда паст эканлиги, тизимда илмий даражали ўқитувчилар улуши ўртacha 37 фоиз экани ҳамда олий таълим масканларини илмий лабораториялар билан жиҳозлаш, тизимда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш даражаси ҳам паст эканини куюнчаклик билан айтиб ўтди. Шу боис мурожатда бу борадаги муаммоларни тизимили равишда ҳал этиш, ёшларни илмий ишлар, фойдали лойиҳаларга жалб этиш, илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш, айниқса, “рақамили иқтисодиёт” бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш ниҳоятда зарур.

Президентимизнинг устоз ва мураббийларга йўллаган ушбу мурожаати ота-оналар, ўқитувчилар баробаридан барча ватандошларимиз зиммасига катта масъулият юклайди. Шу боис соҳа ривожи йўлида белгиланган вазифаларни тўлақонли амалга ошириш ўзини шу юрт равнақига даҳлдор деб биладиган барча юртдошларимизга катта масъулият юклиши табиий.

**Маликабону АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент давлат юридик университети
Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси
мустақил изланувчиси**



**Моҳира МУСТАЕВА,
Оққўрғон туманидаги
49 иқтисослаштирилган давлат
умумтаълим мактаби директори**

Эътирофга муносиб устозлар

“Биз ҳар биримиз ҳаётда қандай муваффақият ва натижаларга эришган бўлсак, бу ютуқларда сизларнинг беқиёс ҳиссангиз борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз”, деди Президентимиз ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлиланган тантанали маросимда. Бу биз устоз ва мураббийларга бўлган эътиборнинг яқол намунасиdir.

Дарҳақиқат, инсон тарбиясида, камолотида устознинг хизматлари беқиёс. Бу йилги пандемия шароитида ҳам жонкуяр ўқитувчilar ўз ишини муваффақиятли давом эттиряпти. Аксарият мактабларда янги ўқув йили бошланди. “Онлайн мактаб” лойиҳаси ва масоғавий таълим йўлга қўйилди. Бизнинг мактабимиз ҳам бундай юксак ишлардан мустасно эмас.

Билим даргоҳимиз иқтидорли ўқувчilarни тайёрлашга иқтисослашгани туфайли имкон қадар қобилияти бор ўқувчilарга алоҳида ёндашамиз. Мактабимизда 44 нафар педагог фаолиятидан юритади. Уларнинг барчasi олий маълумотли, юқори тоифаларга эга мутахассислар. Мактаб сўнгги уч йилда туман рейтингидаги биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Айниқса, ўтган йилги натижаларимиз салмоқли бўлди. Республика фан олимпиадасининг вилоят босқичида уч нафар, билимлар беллашувидаги эса тўрт нафар ўқувчimiz биринчи ўринни эгаллadi. Мактабимиз битирувчisi Ҳулкар Шерзодова ўтган йили адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди.

“Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танловининг Республика босқичида инглиз тили фани ўқитувчimiz Мурод Абдуқодиров иккичи ўринни, кимё фани ўқитувчimiz Илҳом

Анорқулов тўртинчи ўринни эгаллагани мактабимиз нуфузини янада ошириди. Тарих фани ўқитувчisi А. Жумагулов эса “Йилнинг энг яхши тўғарак раҳбари” кўрик-танловининг Республика босқичида учинчи ўрин соҳибига айланди.

Инглиз тили ўқитувчisi Мурод Абдуқодировнинг изланашлари самарали кечмоқда. У ушбу мактабдаги фаолияти давомида иқтисослаштирилган синфлар учун “English Special for 5 th grade” номли ўқув қўлланмасини яратди. Ушбу қўлланманга Тошкент вилояти Малака ошириш институтида оммалаштирилди. Илҳом Анорқулов “Мактабда кимё курсида масалалар ечиш”, “Кимёйи бошқотирмалар” номли қўлланмаларни яратди.

Ана шундай самарали меҳнатлар эвазига мактабимиз ўқувчilarinинг қўлга киритаётган ютуқлari ҳам салмоқли бўляпти. Чунончи, ўтган ўқув йилида ўтказилган фан олимпиадалари ва Билиmlar беллашувida ўқувчilarimiz faqat юқори ўринlарни забт этишиди. Мактабimizning 6 sinif ўқuvchisi С. Самиджонов “Энг ёш дастурчи” кўрик-танловининг вилоят boscqichida 3 ўринни эгаллагan bўlsa, 8 sinif ўқuvchiliari “Men ҳам гвардияchi бўlamан” кўriк-танloviда bирinchi bўliishi. Shuningdek, 11 sinif ўқuvchisi Shiriin Asilbekova “Konstitusiya – baxtimiz

пойдевори” иншолар танловининг вилоят boscqichida goliблини кўлга киритdi.

Айтиш лозимки, ушбу йилда макtabimizni 45 naфар ўқувchi tamomlagan bўlsa, shundan 23 naфari OTMlарga ўқишига kirdi. Bitiruvchilarimizdan biri Diёra Iсоқova kимё fани bўyicha xalқaro fan olimpiadasining saralash boscqichida iштиrok etdi. 2019 yilgi noyabry oйida kимё faniidan Farfona viloayitida ўtказилган қўshimcha Abu Rayhon Beruniy Respublikasi fan olimpiadasiда ҳам faol qatnashdi. Diёra Toшkent tibbiёт akademiyasiga xujzatlarini topshiriб энг юқори — 189 ball tўpladi va talabalarni safiga давлат гранти асосида қабул қилиndi.

Мактабimiz ўқитувchilari доимo изlanishiда. Яқинда 2 naфar ўқituvchimiz magistraturani tamomladi, уч naфari esa magistraturaga ўқiшига kirdi. Ular ўzlarinинг ilmий, ijodiy izlanishlarini bitta maқsadga қaratiшgan. U ҳam bўlsa, жамиyatimiz учун etuk, biliмdон, iқtiдорli ёшlarни tarbiyalab boyagi etkazish.

Оилавий тадбиркорлик ҳосиласи

Бугун юртимизда ўзининг оилавий бизнеси, шахсий томорқасига, хусусий корхонасига эга бўлаётган ишбилармонлар тобора кўпаймоқда. Ўзлари тайёрлаётган маҳсулотларни экспортбоп қилишнинг ҳам уддасидан чиқишияти. Бу борада оққўрғонлик тадбиркорларнинг айни шу кунлардаги изланашлари эътиборга молик. Улар ўзларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириша “Микрокредитбанк” АТБ Оққўрғон филиали билан яқин ҳамкорликни йўлга кўйган. Банк томонидан тадбиркорларга ажратилаётган кредитлар шубҳасиз, туман иқтисодиётининг ривожлашига хизмат қилаётir.


Биргина мисол. Яқиндагина ўз фаолиятини бошлаган тумандаги “Ҳаётбек Отабек” ва “Lepus” МЧЖнинг қисқа фурсатда фаолиятини йўлга кўйишида банкнинг ҳиссаси катта бўлди. Паррандачиликка ихтисослашган “Ҳаётбек Отабек” корхонаси 110 миллион сўм, кўёнчиликни ривожлантиришга ихтисослашган “Lepus Agroservis” корхонаси 2 миллиард 300 миллион сўм миқдорида кредит олиб, мазкур ўзалишидаги ишларни тубдан ривожлантириб юборди. Ҳозирда кредит эвазига тадбиркор Ravshan Umurov 6000 dona “Бруллар” зотли паррандаларни олиб келиб, кўпайтираётган бўлса, Firdavс Xатамов эса “NIT+Франсуски” зотли 4000 dona кўённи парвариш қилаётir. Натижада корхоналарда йигирмага яқин янги иш ўрнлари яратилди.

Ҳар икки тадбиркор ҳам пандемия шароитига қарамасдан енг шимариб, астойдил меҳнат қилишияти. Ўзларидан ортириб кам таъминланган оилаларга товуқ гўшти, ёф ва ун маҳсулотларини ёрдам тариқасида тарқатётгани саховатпешалиқдан далолат. Банк томонидан ажратилган кредитлар яхши самара келтираётган бўлса, эндиликда улар бу соҳани янада ривожлантиришга аҳд қилишган. “Ҳаётбек Отабек” корхонаси келажакда парранда гўштини қайта ишлаш цехини очмоқчи. “Lepus Agroservis” корхонаси кўёнлар сонини янада кўпайтиришни ният қилган.

— Кўёнчилик тез ривожланадиган соҳа экан, — деди Firdavс Xатамов. — Ишларимизни янада жадаллаштирган ҳолда келгусида кўёнлар сонини 50 mingtaga etkazmoқchimiz. Бу борада “Микрокредитбанк” туман филиали кўмагига таянган ҳолда иш олиб бораверамиз.

Дарҳақиқат, туманда “Микрокредитбанк” Оққўрғон филиали кўмагига маддига таяниб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга кўяётганлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Бу яхши, албатта. Зоро, халқмизда “Иш билганга минг танг” деб бежизга айтмаган.

Бердиёр ТАХТАБОЕВ,
“Микрокредитбанк” АТБ Оққўрғон филиали бошқарувчisi вазифасини бажарувчи



Самарқандда ҳар икки йилда бир марта инсон ҳуқуқлари бўйича халқaro forum ўtkaziladi.



Истиқболли меморандум имзоланди



BMB
TRADE GROUP

2020 йилнинг “Илм-фан, маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” деб эълон қинингни, ўз навбатида, бозор иқтисодиётини янада ривожлантиришда иқтисодий жиҳатдан энг самарали ва оптимал йўл танлаган давлат сифатида дунё ҳамжамиятидаги замонавий тенденцияларни қўллаб-кувватлашда тўлақонли акс этади.

ЮНКТАД маълумотларига кўра, рақамли савдонинг глобал бозори 29 трилион АҚШ долларга teng. Рақамли савдонинггулуши дунё бозорининг 20 фоизини ташкил қиласди. 2025 йилга бориб 25 фоизни ташкил этиши мумкин. COVID-19 пандемияси даврида мавжуд интернет-платформалари ёрдамида хизмат кўрсатиш соҳасини рақамлаштириш жараёнининг сезиларли даражада ўсиши катта ҳажмдаги иш ўринларни яратишга, иқтисодиётни янада шаффоф бўлишига ҳамда ҳизматалар турининг кенгайишига ва юртимида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни чет эл бозорига экспортни йўлга кўйишга ҳизмат қиласди.

Шу сабабли яқинда мамлакатимизнинг Хитой Ҳалқ Республикасидаги элчихонаси, Шанхай шаҳридаги Башконтакхонаси, Ташқи савдо ва инвестициялар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожлантириш вазирлиги, Ахборот техноло-

гиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси кўмагида икки давлат тижорат тузилмалари вакиллари иштирокида онлайн “Шанхай-Тошкент: электрон тижорат истиқболлари”—“электрон тижорат иштирокида олиш бўлди.

Тадбир Хитой Ҳалқ Республикаси Электрон тижорат ҳалқаро марказининг электрон тижорат ва ахборот коммуникациялар департаменти, Синъжон Осиё-Европа ҳалқаро савдо маркази, мамлакатимизнинг Шанхайдаги Башконтакхонаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда АЕЕХ ва BMB TRADE GROUP инвестициявий-консалтинг компаниялари ташкилотчилигидаги ўтказилди.

Бизнес-форумда Хитой ва Ўзбекистон давлат ва жамоат ҳамда тижорат доираларининг 50 нафардан ортиқ вакиллари иштирокида **электрон тижорат соҳасида ҳалқаро ва худудлараро**

ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш устувор масалалари муҳокама қилинди.

Анжуманинг асосий мақсади электрон тижорат соҳасида тажриба алмашинувуни ташкил қилиш, маҳаллий маҳсулотлар экспортини ҳамда Хитойдан импорт қилинадиган товарлар кўламини кенгайтириш тизимини рагбатлантириш, электрон савдо майдончаларни амалиётга татбиқ этиш ва мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларни белгилаб олиш бўлди.

Якунда АЕЕХ ҳамда BMB TRADE GROUP компаниилари ўртасида мамлакатимизда етишириладиган маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг Хитой бозорига экспортини кенгайтириш мақсадида электрон савдо майдончаларини ташкил қилиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Умуман олганда, бизнес-форум икки давлат ўртасида савдо-иктисодий алоқалар ва ҳамкорликни кенгайтиришга, шунингдек, электрон тижоратни ривожлантиришда ҳамда амалиётга электрон савдо майдончаларини кенг татбиқ этиш мақсадларига хизмат қиласди.

**BMB Trade Group
ахборот хизмати.**

Алоэдан истеъмол қилиб юрилса, кўз нурини кўпайтиради.

Меъда касаллика- рини даволаш

Куруқ ялпиз қалампирмун-
чоқни қайнатиб ичиш билан
меъдадаги совуқ хилтни йўқо-
тиш мумкин.

Қуритилган ўрикни сувда
қайнатиб. Бир кундан сўнг
ичилса, меъда ҳароратининг
ортишига даво бўлади.

Ҳар куни 3-4 гр. саримсоқ
истеъмол қилиб юрилса меъ-
дани тозалаб, кучга киргизади.

Ҳар куни 15-18 гр.райхон-
ни янчиди ёки қиймалаб есан-
гиз. меъда заифлигидан қуту-
ласиз.

**Маъсуда ЁҚУБОВА
тайёрлади.**

“Мен таржимон бўламан!”

Бугун четтилларини ўрганиш шиддат билан одимлаб бормоқда. Ўзбек ёшлари до- нишманд ҳалқимизнинг: «Тил билган — эл билар», деган сермазмун ўгитини доимо ёдда тутиб, амал қиладилар.

Дарҳақиқат, келажагимиз эгалари турли чет тилларни пухта эгаллаш, шу орқали дунё фан соҳасидаги илфор янги билимларни ўзлаштириш, тажриба ва малака ошириш мақсадида дунёдаги етакчи таълим муассасаларига бориб ёки мамлакатимизда фаолият юритаётган филиалларида бемалол таҳсил олмоқдалар.

Мамлакатимизда таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил этиши, ўқитувчиларнинг мамлакасини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Умумий таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишни такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирларга бағишинган меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар таълим соҳасига янада катта туртки бермоқда.

Марғилон шаҳридаги 6-сонли ўрта таълим мактаби немис тилини чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган. Мактаб ўқувчилари, Шаҳар, вилоят ва республика олимпиадаларида ўз билимларни намойиш этиб, совринли ўринларни эгалайтилар. Улар қаторида 11-синф ўқувчи Ситора Иброҳимова деган бир қиз борки, унинг таълим йўналишида ўқувчи сифатида кўлга киритмаган ютуғи жуда кам. Хусусан, ўтган йили ноябрь ойида Тошкент шаҳрида Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан анъанавий тарзда ташкил этилган республика танловида қатнашди.

— Ситора бундай танловда биринчи марта иштирок этаётгани йўқ, — дейди устози Ленура Гафарова. — Аксинча, 7 синф ўқувчиси сифатида у “Югенд” дипломини кўлга киритди. Шу йили бутун Ўзбекистондан келган 60 та иштирокчи орасида учинчи ўринга муносаб кўрилди. Немис тилида ифодали ўқиши ва савол-

ларга жавоб бериш бўйича танловдан муваффақиятли ўтди. Бунинг натижасида Ситора Германия Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Гунтер Лео Оверфельд сертификат тақдим этди.


Ситора охирги марта Германиянинг Zentralstelle fur das Auslandsschulwesen-ZfA (Чет элдаги мактаблар учун марказ) томонидан ўтказилган “Usbekische Schule Ing debattieren” 2020 танловида қатнашди. 16 нафар вилюятлардан иқтидорли ўқувчилар қатнашган мазкур танлов жорий йилнинг март ойида пойтахтимизда ўтказилди. Германиядан келган мутахассислар тонловнинг ҳаққонийлигини кузатиб боришиди.

Ҳалқаро баҳс-мунозаралар мусобақаси доирасида ўтган танлов якунда хорижий талабаларнинг таълим минири вазирлигининг қартилган мукофот дастури Таълим алмашинуви хизмати томонидан эълон қилинган немис тили, таълим ва маданият ишлари вазирлигининг доимий конференцияси (ПАД) аъзолари томонидан маҳсус сертификатлари топширилди.

**Ўзбекистон Республикасида
Немис тили бўйича мутахас-
сис маслаҳатчи ва ўқитувчи
юбориши дастури координатори
Барбара Дамболдт. Тошкент,
03.03.2020**

— Тил ўрганиш — дунёни таниш, билимлар олами калитларига эга бўлишнинг асосий омили, — дейди, Ситора. — Бундай танловлар асосида Германияда ўқишимга йўл очадиган Deutsches Sprachdiplom (немис тили дипломи)ни олишга умид қиласман. Келажакда таржимон бўлишни орзу қиласман. Иқтидор, истеъод эгалари кўп. Фақат улар йўналишларини аниқ мўлжаллай олса бўлгани.

**Гулҳаё ҲУСАНОВА,
Фарғона.**



Кўз хасталиклари давоси

Агар оқ пиёзниң сувини чиқариб кўзга суртилса шил-пиқлик коронгу тушганда кўролмасликда фойда беради.

Агар кўзда бирор дард бўлса, кийик ўтини туйиб суркаш фойда беради. Кўзидан сув оқиб қийналётган одам эртабаб ва кечкурун кўзига сурма кўйса, будардан фориг бўлади.

Ловияни ҳавончада янчиб

сурма каби кўзга суртсангиз, киприкнинг ичига ўşшини йўқотади. Ловияни асал билан аралаштириб кўзга боғланса кўз милкларининг қизаришини ва шишини йўқотади.

Мойчечак (ромашка) гулидан сув олиб кўзга томизсангиз кўз оғриғи қолади. Лола сувидан кўзга томизилса, кўз оғриғини ва ярасини тузатади.

Ҳар ким саҳарда беш дона шолғом пишириб еса кўзи равшан бўлади.

ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси. Тадбиркорлар ва ишбилиармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси. Ўзбекистон экологик ҳаракати. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси. Ўзбекистон Мустақил босма оммавий

**Бош мұхаррір
Мақсад ЖОНОХОНов**

Таҳрір ҳайъати:
Рустам Комилов
Борий Алихонов
Ақмал Саидов
Рахмат Маматов
Нуридин Убайдуллаев
(Бош мұхаррір
үрінбосари)
Ақтам Хайтлов
Адхам Икрамов


Газета таҳририятнинг компьютер
бўлимида саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1014 Адади: 1052.
Жума куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табок.
Бахоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.
ISSN 2010-7722

Навбатчи: Маъсуда Ёқубова

Дизайнер: Бегали Эшонкулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77,
233-91-55
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта: jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
ЎзА якуни:
Топширилган вақти: 18:05
1 2 3 4 5 6



Электр қурилмаларининг техника хавфсизлиги кучайтирилади.

“Микрокредитбанк”

янги режалар ташаббускори

БИЛАСИЗ, БАНК-МОЛИЯ СОҲАСИНИ ИСПОҲҚИЛИШ МАМЛАКАТ РАВНАҚИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ ҲИСОБЛАНАДИ. БУНИНГ ОДДИЙГИНА САБАБИ ЭСА МАЗКУР ТИЗИМДАГИ ЎЗГАРИШЛАР, АВВАЛО, МИЖОЗЛАР ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, ҚОЛАВЕРСА, БУГУНГИ ЖАРАЁНЛАР БИЛАН БЕВОСИТА БОҒЛИҚДИР.

Бу борада “Микрокредитбанк” ҳам юрт ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган илғор молия муассасаларидан ҳисобланади. Банк фаоллари томонидан ўтказилган матбуот анжуманида соҳада олиб борилаётган ишлар юзасидан фикр алмашилди. Тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз борди.

кредитлаш департаменти директори Абдумажид Сафаров тадбиркорликни ривожлантиришда чакана кредитларнинг ўрни бўйича батафсил маълумот берди.

Тадбирда қайд этилганидек, “Микрокредитбанк” акциядорлик-тикорат банки юртимиздаги жадал ривожланиб бораётган, аҳолига барча турдаги банк хизматларини тақдим этиб келаётган банклардан бири. Банк томонидан карантин бўлишига қарамасдан, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида фуқароларни банк кредитларидан фойдаланишини соддалаштириш ҳамда қуай шарт-шароитлар яратиш орқали уларнинг турмуш даражасини ошириш мақсадида бир қанча янги кредит турлари ва хизматлар амалиётга жорий этилди. 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 108 594 на-

фар жисмоний шахсга жами 1 триллион 338 млрд. сўм кредитлар ажратилди.

Шундан, 77 037 нафар фуқарога 745,6 млрд.сўм чакана кредитлар (Автокредит 131,0 млрд. сўм, истеъмол 190,5 млрд. сўм, микроқарз 357,6 млрд.сўм, овердрафт 10,7 млрд.сўм, 40,0

млрд.сўмлик онлайн микроқарз, таълим кредити 2,7 млрд.сўм, ипотека кредитлари 53,0 млрд.сўм) ажратилди.

— Худудларда банкка бириклирилган маҳаллалардаги кам таъминланган аҳоли, яъни “темир дафтар”га киритилган, кредитга эҳтиёжи мавжуд жами 5 830 нафар фуқарога 59,5 млрд.сўм имтиёзли кредитлар ажратилди, — дейди банкнинг кредит фаолиятини ташкил қилиш департаменти директори ўринбосари Голибжон Саноев.

— **Бундан ташқари**, банкнинг “МКВ Mobile” мобил иловаси орқали мижоз ўз мобил телефонида 1 ойдан 3



ой муддатгача фойдаланиши назарда тутувчи онлайн-микроқарз жорий қилиниши натижасида 2020 йил 9 ойи давомида 40,0 млрд. сўм кредит ажратилди. 2019 йил мос даврида 8,8 млрд.сўм берилган эди.

Банк томонидан кредитлар ажратишнинг янги **андеррайтинг тизими ишга туширилди**. Аввалгидан фарқи кредит ажратилиш босқичи 5 босқичдан 2 тага, хужжатлар сони 15 тадан 3 тага, кредитни кўриб чиқиш муддатлари 10 кундан 1 кунга қисқартирилишига эришилди. Ушбу кредит тури бўйича 2873 та мижозга 20,5 млрд. сўм кредит ажратилди.

Шунингдек, “МКВ-mobile” иловаси орқали ҳеч қандай ҳужжатларсиз, банкка келмасдан туриб электрон тарзда олинадиган онлайн-истеъмол кредити жорий қилинди.

2020 йилнинг 9 ой давомида барча ўйналишларда тадбиркорлик субъектларида 3,5 трлн.сўм кредит ажратилиб, ушбу кўрсаткич (1,4 трлн сўм) ўтган йилга нисбатан 2,1 трлн. сўмга ёки 250,0 фоизга ошиди. “Хар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида жорий йил 9 ой давомида 33 497 та аҳоли ва тадбиркорлик субъектларида 879,1 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Фермер, дехқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларига қўмаклашиш давлат жамғарасидан 21,8 млрд сўмлик кредит линияси жалб қилиниб, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш ташаббусида бўлган жисмоний шахсларга 2020 йил давомида жами 581 та аҳоли хонадонларида 18,3 млрд сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилди.

“Хотин-қизларни ва оиласи қўллаб-қувватлаш жамоат фонди”дан жалб қилинган 25 млрд сўмлик маблағ ҳисобидан 848 нафар тадбиркор аёлларга 21,0 млрд.сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, мазкур ишлар давоми сифатида 2020 йил охирига қадар ижтимоий дастурлар доирасида 252,3 млрд.

ЭЛОН

сўмлики
имтиёзли
кредитлар
бериш кўзда
тутилган.

Жумаев Мирзоҳид Абдусалом ўғлига 2019 йилда Тошкент Давлат Аграр университети томонидан берилган № 1037303 рақамли бакалавр дипломи йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.



“Микрокредитбанк” АТБ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Тўлқин Атамуродов банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида қисқача тўхталиб ўтди. Кредит фаолиятини ташкил қилиш департаменти директори ўринбосари Голибжон Саноев кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда “Микрокредитбанк” томонидан ўтган 9 ой давомида амалга оширилган, шунингдек, бажарилиши режалаштирилган ишлар юзасидан, Чакана

Йиғилиш ташкилотчиларининг айтишича, юқорида амалга оширилган ишлардан ташқари, 2020 йил охирига қадар бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар ҳам босқичма-босқич белгилаб олинган:

1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўёнчилик соҳасини ривожлантириш бўйича янги қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва 2020 йил давомида кўёнлар сонини вилоятларда 1 млн. бошга, республика бўйича 5 млн. бошга етказилишини таъминлаш, шунингдек, қўёнчилик соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар ва кластерларни иш фаолиятини тизимли ташкил қилиш;

2) 2020 йил охирига қадар барча маблағлар ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига жами 4 059 млрд.сўм кредит ажратиш ва 19 000 та янги ўринлари ташкил этиш.


3) 2020 йил давомида амалга ошириши белгиланган 105 та лойиҳага 477,5 млрд.сўм миқдорида кредитлар ажратиш ва лойиҳани ишга тушириш чораларини кўриш;

4) Кичик бизнес субъектларига онлайн скоринг тизими орқали кредит ажратишни амалиётга тўлиқ татбиқ этиш ва уларнинг салмоғини ошириб бориш;

5) Дастрлаб жорий йилнинг 4 чораги охирига қадар банкнинг намунали филиалларда андеррайтерлар хизматидан фойдаланган ҳолда (Кредит комиссиялари қарорисиз) кредитлар ажратишни жорий қилиш ва самарадорлигини баҳолаган ҳолда барча филиалларда ташкил қилиш каби қатор мақсадлар режалаштирилган.

Матбуот анжумани давомида “Микрокредитбанк” масъул ходимлари банкнинг истиқболдаги қўшимча режа ва мақсадларини таъкидлаб, журналистлар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб берди.

Нуридин УБАЙДУЛЛАЕВ,
“Жамият” мухбири



“Ўзбекистоннинг АКТ-шархловчиси” миллий танлови бошланди.